

# Құриқлаш хизмати күрсатиши бүйіч

## ШАРТНОМА

“08” 01 2022 йил

№ 15828.6 сон

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Құриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошкарма бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Лабзак филиали номидан, ишончнома асосида фаолият юритувчи, филиал бошқарувчиси С.Д.Санжаров (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томоилар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида түздилар:

### 1-боб. Шартнома предметтері

1. Ижрочи саф бўлинмаси қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТКМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг муликини қўриқлаш хизматини кўрсатиши мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи объектни қўриқлашга топширади ва “Қўриқлаш” эса ушбу вазифани қуидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур туман қўриқлаш бўлими 2-отряд шахсий таркиби орқали 1 та 24 соатлик (соат 09.00 дан 09.00 гача, дам олиш кунларисиз) ва 1 та 12 соатлик (соат 09.00 дан 21.00 гача дам олиш кунисиз) қўриқлаш постлари билан (Илова-1) ҳамда Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Мониторинг маркази орқали Омборхона қўриқлаш вақти соат 17.00 дан 08.00 гача иккита дам олиш куни билан, Кечки касса қўриқлаш вақти соат 20.00 дан 08.00 гача иккита дам олиш куни билан, Периметр қўриқлаш вақти соат 20.00 дан 08.00 гача иккита дам олиш куни билан, Кириш эшиги қўриқлаш ваққти соат 18.00 дан 09.00 гача дам олиш кунларисиз, Ташибиш хабаргоҳи қўриқлаш вақти соат 09.00 дане 09.00 гача ТКМга топширади, АТС 5 тармоғи билан (Илова-2) ҚЁОС воситаларига хизмат кўрсатиши билан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 10А-уда жойлашган АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Лабзак филиали биносини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласи.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичидә саф бўлинмаси қўриқлаш тури йўлга кўйилади.

Объектда сокчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга 90 иш куни ичидә йўлга кўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чакириб олинади.

### 3-боб. Тұловларні амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида күрсатиладиган хизматлар нарах белгиланған тарифларға мос ҳолда қуидаги хисобланади:

а) пост-соат ҳисобида құриқлаш хизмати хисоб варакасига асосан (шартнома 1-илова ) тұловни амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тұловларға үзгартыршлар киритиш конун ҳужжатларига мувоғик ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдикланған ҳолларда кайта құриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланған кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолғанда **ойлик тұловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

**Буюртмачи** бюджет ташкилоти ёки бюджет маблаглари олуви үшін бұлса, ойлик тұловнинг **100 фоизи миқдорида** тұловини кейинги ой бошланишидан **10 кун** олдин амалга оширади.

12. Хұжалик юритувчи субъект ҳисобланған Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида күрсатилған ойлик тұловини үз вактида тұламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тұлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинған ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тұланған тұловлар бүйіча кайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### 4-боб. Томонларниң ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 13. Буюртмачи қуидаги ҳуқуқтарға эга:

Ижроидан белгиланған құриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат күрсатиши жараённан Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тұхтатиши үшін күйилген камчиликтерні бартараф қилиш бүйіча керакли өзаралар қурилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши үшін амалга оширишини, құриқлаш турларига мос бүлгелі кийим-бош анжомлари (экипировка), курол-аслақаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бүйіча Ижрочининг вакили иштирокида иккі нұсқада далолатнома түзиш;

Ижрочининг айби билан йүл күйилген камчиликтерні аникланған тақдирда Ижроидан өзараларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблары бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлығы натижасыда етказилған заарни ундириш.


#### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланған 2022 йил “\_\_\_” \_\_ даги күздан кечириш далолатномасыга асосан құриқлашга топшириледиган обьектни, алохіда хоналарни техник мустаҳкамлаш бүйіча тадбирларни бажариш, үз ҳисобидан техник құриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост күрілмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алокта, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгіндан құриқлаш сигнализацияси, обьект деформетри бүйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнгін үчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиһозлаш үшін ҳолларда өзараларни таъмирлаш;

хар қандай моддий қимматликтерні обьект ҳудудининг девор түсігідан \_\_\_ метр узоклиқда (объект жойлашувини ҳисобга олған ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргалиқда ҳар өзаралда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, құриқлашнинг техник воситалари билан таъминланғанини, шу жумладан ёнгіндан құриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш құргишини үтказиши, аникланған камчиликтерні бартараф этиши мүддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш мүддати ва тартибини күрсатған ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома түзиш;

белгиланған құриқлаш режими талаб етілгенде техник құриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;



бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир кисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳакида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камидан 15 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳакида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳакида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланадиган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тұгагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили этиб келгунинг қадар қўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимиши, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид кисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг ҳуқуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш..

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланадиган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишин таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қуроласлаҳарининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан bogliq аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабарининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланайётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарап тўғрисида Миллий гвардия навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарапни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарап учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарап етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарап тўлик миқдорда копланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарапнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарап миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарап миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Кўйидаги ҳолларда Ижрочи зарапни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамасдан зарап учинчи шахсларнинг жиной харакатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқлансан;

қабул қилиш-топшириш журналида кўйидаги мажбуриятларни тасдиқланади; казилганда;

OUTBEKISTON RESPUBLIKASI MULLIY GUARDIYA  
TOMMEN SHARFI QO'RIGLASH BOSHUARMASI  
YURIDIK MUHQIQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI

20 \_\_\_\_ yil « \_\_\_\_ » da  
RAQAM: 18/10/2018

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўгрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола килувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирилаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Якуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган кунидан бошлаб ҳисобланади.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблаглари олувчилари билан тузилгандаги ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилгандаги ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўтиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўгрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати куйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 2 (икки) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармасига ва иккинчи нусхаси ҳўжалик юритувчи субъектга берилади. Ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига кадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижроига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрои Буюртмачига ети, кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишида огоҳлантирган холда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишида огоҳлантирган холда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алоҳида обьектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига бир ой** олдин ёзма равишида маълум қилади. (*эслатма: Банк муассасаси бекор қилиши бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади*).

35. Тарафлар ўзлари тузган ҳўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 30 июнь кунидаги **15828-Б-сонли** томонлар ўртасида тузилган шартнома ўз кучини йўқотади.

## 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

### “ИЖРОЧИ”

Тошкент шахар Кўриқлаш бошқармаси  
Тошкент шахар, Марказ-4, Қашқар кўчаси, 3-уй  
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001  
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856  
ОКОНХ: 97920  
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошқармасининг  
ҲҚМ Тошкент шахар  
тел:71-234-49-24

### “БУЮРТМАЧИ”

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Лабзак  
филиали Тошкент шахар, Шайхонтохур  
тумани, Абай кўчаси, 10А-уй  
Х/р:  
ИНН: **“O’ZSANATOATQURILISHBANK” ATB  
LABZAK FILIALI**  
МФО:  
ОКОНХ: **Hr 2989 6000 2000 0044 2059  
MFO 00442 STIR 201 078 205 XXTUT 64100**  
ТОШКЕНТ БИНАЛАРИ, 100126, АБАЙ КЎЧАСИ, 10А-УЙ  
TEL: (+998 71) 241 61 96

Тошкент шахар Кўриқлаш  
бошқармаси бошлиги



АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Лабзак  
филиали бошқарувчиси

